6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, кў... ва бошкалар) ёки ижтимоий-иктисодий холатлар (уруш холати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни таъкиклаш ва бошкалар) сабабли юза... шароитларда томонларга кабул килинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавкулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган холатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан кайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дархол иккинчи томонга бу хакда 10 кун ичида ушбу холатлар харакати сабабини далиллар билан такдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро килиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлар давом этиш муддатига кадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортикрок давом килса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор килиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

7.2 Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар ёзма шаклида тузилиши ва Тарфларнинг мухири ва имзоси билан тасдикланган хужжат асосида булади.

7.3 Мазкур шартнома хар бир тарафга битта нусхадан, жами икки нусхада тузилади .

## 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022_ й. " 31 " Декабрьгача амал килади.

8.2. Шартноманинг амал килиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошка томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда контракт бажарилган хисобланади.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| Етказиб берувчи |
|---|
| Ташкилот номи : «ОТАХОН РЕЙМОВ Ф/Х» |
| Манзил Бустан шахри |
| Телефон: |
| Факс: |
| Стир коди 300755531 |
| Оконх |
| Х/Р 20208000104706696001 |
| Банк номи:Халк банк элликкалъа филяли |
| МФО 00646 |
| Рахбар О. Реймов |
| МЎ |

| «Буюртмачи» |
|---|
| (бюджетдан маблағ олувчининг номи)<br>Элликкалъа туман МТБ |
| Манзил:Бустан ш. Х.Дустлиги куча |
| Тел./факс 585-14-72 |
| ш/х* 100022860352507091100251047 |
| Банк номи |
| х/в** |
| МФО СТИР 207267646 |
| ОКОНХ 92310 |
| Ғазначилик бўлинмаси номи |
| Ғазна х/в Элликкальа тумани Газначилик булинмаси 23402000300100001010 |
| Банкнинг номи: Марказий банк тошкент ш |
| МФО 00014 |
| Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919 |
| Рахбар (имзо) Ж.Балтаев__________ |

Юрист хулосаси:

Ушбу шартнома амалдаги Узбекистон Республикасининг 1998 йил 29-август кунги кабул килинган «Хужалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий – хукукий базаси тугрисида»ги конун ва бошка конун хужжатларининг талабларига мос равишда тугри тузилган.

Юрист маслахатчи:- ______________________

«Тасдиклайман»
Элликкалъа тумани Мактабгача
таълим булими мудири
Ж.Балтаев ________________
«__»_ Январ 2022 йил

Элликкалъа туман Мактабгача таълим булимининг 2022 йил харажатлар сметасида бюджетдан ажратилган маблағни мақсадга мувофиқ харажат қилиш бўйича тузилган конкурс комиссиясининг йиғилиш

## Б А Ё Н Н О М А С И № 11

### К у н т а р т и б и :

Элликкалъа туман Мактабгача таълим булимининг 2022 йил харажатлар сметасида бюджетдан ажратилган маблаға Мактабгача таълим булимига карашли мактабгача таълим муассасаларини озик овкат махсулотлари ҳақида.

Комиссия раиси : Ж.Балтаев Элликкалъа туман МТБ мудири.
Комиссия аъзолари ; У.Собиров МТБ бош хисобчиси.
М.Хакимбаев МТБ хужалик ишлари мудири.
М.Норимбетов ДХБ хисобчи.
З.Алламуратова МТБ озик овкат хисобчи

### Т и н г л а н д и .

1. Комиссия аъзолари томонидан 2022 йил харажатлар сметасида Январ ойи учун белгиланган маблағдан мактабгача таълим булимига карашли мактабгача таълим муассасаларини озик овкат махсулотлани сифатли ва етказиб бериши шарт эканлиги айтиб ўтилиб, озик овкат махсулотлари баҳоларини аниқлаш мақсадида куйидаги «Отахон Рейимов » фермер хужалиги, Бустанинтер савдо» хусусий кархонаси ва « Бустан туризим» хусусий кархонаси такдим килган тижорат таклифлари кўриб чиқилди. Элликкалъа туман Мактабгача таълим булимии мудири Ж.Балтаев сўзга чиқиб, бу корхоналар ичинда « Отахон Рейимов » фермер хужалиги тамонидан етказиб бериш учун кулай булган худудларни инобатга олиб ва корхона томонидан сифатли махсулотлар бериш кафолатини олишини айтиб ўтди . Бу уч корхонанинг баҳолари қуйидагича аниқланди.
Унга кўра қуйдаги Товар (иш хизмат)ва махсулотлар етказиб берувчилардан қуйдагича таклифлар тушди:

| № | Товар иш хизматлар номи | Лот номери санаси ва бошлангич суммаси | Миқдори | Отахон Рейимов фх | Бустан туризим фх | Бустан интер савдо |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ташкилот манзили: | | | | Бустан Шахри | Бустан Шахри | Бустан Шахри |
| Ташкилот СТИРИ | | | | 300755531 | 304698125 | 301408114 |
| 1 | Элликкалъа туман Мактабгача таълим булими | | | 8852125 | 8950200 | 9085400 |
| 2 | Махсулотларни етказиб бериш 30% утгандан | | | 10 кун | 15 кун | 15 кун |
| ЖАМИ: | | | | 8852125 | 8950200 | 9085400 |

| | |
|---|---|
| Алохида шартлар | Сифатли хизмат қилиш талаб қилинади. |

Комиссия раиси Ж.Балтаев сузга чикиб, бу корхоналар ичида « Отахон Рейимов » Ф/Х озик овкат махсулотларини сифатлиги ва етказиб бериш кулай булган худудларни инобатга олган холда айтиб утди.

**Карор килади :**

« Отахон Рейимов » Ф/Х сифатли, етказиб бериш кулай булган худудларни ва корхона томонидан кафолатни беришни инобатга олиниб , шу корхона билан шартнома тузилсин.

1. Ушбу озик овкат махсулотларини кабул килиб олиш МТБ хужалик мудири Хакимбаев Мансурга юклатилсин .
2. Ушбу карорнинг бажарилишини ва маблагни пул утказиш йули билан амалга оширувни бош хисобчи У.Собировга юклатилсин .

Комисся раиси : ____________ Ж.Балтаев

Комисся аъзолари : ____________ У.Собиров

____________ М.Хакимбаев

____________ М.Норимбетов

____________ З.Алламуратова

..он рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: L132836650

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi**: Shartnoma.

**2.Loyihaning nomi** : Xo'jalik shartnomasi.

Ellikqal'a tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "Otaxon Reymov" fermer xo'jaligi o'rtasida №2-sonli 8 852 125 ( sakkiz million sakkiz ellik ikki ming bir yigirma besh) so'mlik oldi-sotdi shartnoma tuzish haqida.

**3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Ellikqal'a tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 19-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga 2022-yil 19-yanavarda kiritilgan. Maktabgacha ta'lim bo'limining 2022-yil xarajatlar smetasida budjetdan ajratilgan mablag'ni maqsadga muvofiq xarajat qilish bo'yicha tuzilgan konkurs komissiyasi yig'ilishining 11-sonli bayonnomasi hamda "Otaxon Reymov" fermer xo'jaligi guvohnomasi ilova qilingan.

**4.Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:**

Loyiha O'zbeksiton Respublikasi Fuqarolik kodeksining 386-456-moddalariga va 1998-yil 29-avgustda qabul qilingan "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonun qoidalarga muvofiq ishlab chiqilgan.

Fuqarolik kodeksining 386-moddiga ko'ra oldi-sotdi shartnomasi bo'yicha bir taraf (sotuvchi) tovarni boshqa taraf (sotib oluvchi)ga mulk qilib topshirish majburiyatini, sotib oluvchi esa bu tovarni qabul qilish va uning uchun belgilangan pul summasi (bahosi)ni to'lash majburiyatini oladi.

Xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

Xo'jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (ishlar, xizmatlar) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo'lmagan miqdorda oldindan to'lab qo'yish albatta nazarda tutilgan bo'lishi kerak.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**Ellikqal'a tumani yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **D.Baltayev**